



МУАММОЛИ КРЕДИТЛАРНИНГ ДАРАЖАСИГА ТАЪСИР ЭТАЁТГАН ОМИЛЛАР

Саидов Ҳаётжон Раҳматуллоевич

Денов тадбиркорлик ва педагогика институти

ORCID: 0009-0007-9550-2597

xayotbek0083@gmail.com

Аннотация. Бу мақолада муаммоли кредитлар даражасига таъсир қилувчи омиллар ўрганилади. Таҳлилда макроиқтисодий, молиявий, ижтимоий ва шахсий омиллар каби кўплаб факторлар муҳокама қилинади. Макроиқтисодий ҳолат, хусусан инфляция, ишсизлик ва кредит ставкалари, муаммоли кредитлар даражасига катта таъсир кўрсатади. Шунингдек, молиявий институтларнинг кредит сиёсатлари ва молиявий саводхонликнинг пастлиги ҳам кредит сўровчиларининг қарзларини қайтариш қобилиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ижтимоий омиллар, масалан, одамлар ўзларининг молиявий ҳолатини аниқ баҳолай олмасликлари ва ёки иқтисодий шокларга унча тайёр эмасликлари муаммоли кредитлар даражасининг ошишига сабаб бўлади. Шахсий омиллар, жумладан, қарз олган шахснинг молиявий оқилона қарор қабул қилиш қобилияти, шахсий бўлиб ўтган иқтисодий тажриба ҳам ёки унутилган мажбуриятлар билан боғлиқ муаммолар катта роль ўйнайди.

Калит сўзлар: муаммоли кредитлар, кредит даражаси, таъсир этувчи омиллар, банк сектори, молиявий таҳлил, иқтисодий барқарорлик, рискларни бошқариш, кредит, кредит сиёсатлари, инфляция, қайта молиявий кўмак, ставкалар, молиявий барқарорлик, кредит портфели, қарздорлар ҳолати.

ФАКТОРЫ, ОКАЗЫВАЮЩИЕ ВЛИЯНИЕ НА УРОВЕНЬ ПРОБЛЕМНЫХ КРЕДИТОВ

Саидова Ҳаётжон Раҳматуллоевич

Деновский предпринимательно-педагогический институт

Аннотация. В статье рассматриваются факторы, влияющие на уровень проблемных кредитов. В анализе рассматриваются многие факторы, такие как макроэкономические, финансовые, социальные и личные факторы. Макроэкономическая ситуация, в частности инфляция, безработица и ставки по кредитам, оказывают существенное влияние на уровень проблемных кредитов. Кроме того, кредитная политика финансовых учреждений и низкая финансовая грамотность могут негативно сказаться на способности заемщиков погашать свои кредиты. Социальные факторы, такие как неспособность людей точно оценить свое финансовое положение или неподготовленность к экономическим потрясениям, способствуют росту уровня проблемных кредитов. Большую роль играют личные факторы, включая способность заемщика принимать обоснованные финансовые решения, личный прошлый финансовый опыт или проблемы, связанные с забытыми обязательствами.

Ключевые слова: проблемные кредиты, уровень кредитоспособности, факторы влияния, банковский сектор, финансовый анализ, экономическая устойчивость, управление рисками, кредит, кредитная политика, инфляция, рефинансирование, ставки, финансовая устойчивость, кредитный портфель, статус должника.

FACTORS AFFECTING THE LEVEL OF PROBLEM LOANS

Saidov Hayatjon Rakhmatulloyevich

Denov Institute of Entrepreneurship and Pedagogy

Abstract. *In this article, the factors affecting the level of problem loans are studied. Many factors such as macroeconomic, financial, social, and personal factors are discussed in the analysis. Macroeconomic conditions, especially inflation, unemployment, and credit rates, credit problems will have a big impact on the level. Also, the credit policies of financial institutions and the low level of financial literacy may also have a negative effect on the ability of credit borrowers to repay their debts. Social factors, for example, people not being able to accurately assess their financial situation or not being well prepared for economic shocks, cause the level of problem loans to increase. Personal factors, including the borrower's ability to make rational financial decisions, personal past economic experience, or problems related to forgotten obligations play a large role.*

Keywords: *credit, credit level, influencing factors, banking sector, financial analysis, economic stability, risk management, credit, credit policies, inflation, refinancing, rates, financial stability, credit portfolios, borrowers' status.*

Кириш.

Муаммоли кредитлар жуда муҳим ва кўпгина иқтисодий, ижтимоий ва молиявий омилларга боғлиқ. Ушбу муаммо, биринчи навбатда, банклар ва молиявий муассасалар учун ҳам, шунингдек, мамлакат иқтисодиёти ва аҳолиси учун ҳам катта хавф туғдиради. Муаммоли кредитлар даражасининг юқори бўлиши ижтимоий барқарорликка, ишсизликка ва иқтисодий пасайишга олиб келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев таъкидлаганидек, “муаммоли кредитларни қайтариш банкларнинг имкониятларини янада кенгайтиришини, уларни ундириш бўйича банклар, қарздор корхоналар, компания ва уюшмалар, ҳудудлар раҳбарлари биргаликда иш олиб бориши зарурлиги лозим” (Йиғилиш, 2018).

Адабиётлар шарҳи.

Муаммоли кредит — бу қарздорнинг белгиланган тўлов шартларига риоя қилмаслиги, яъни кредитни ўз вақтида тўлашда муаммолар пайдо бўлган кредитдир. Муаммоли кредитлар қарздорнинг молиявий аҳволи ёки бошқа сабаблар туфайли вақтида тўланмайди. Бу, айниқса, банклар ва молиявий институтлар учун рисктарни оширади, чунки бу кредитлар ёки ҳатто жудда катта миқдордаги қарзлар деб ҳисобланади. Жумладан, Роузнинг (1997) фикрича, қарз олувчи бир ёки бир неча тўловларни амалга оширмаганлиги ёки кредит таъминоти қийматининг пасайиши кредитни муаммоли кредитлар туркумига ўтишини англатади. Муаммоли кредитларининг умумий белгилари бу тўловларнинг кечикиши, кредитнинг тугаган муддати, қарздорнинг тўлов қобилиятининг пастлиги, қарздорнинг қарзлар йиғиндиси ҳисобланади. Айрим Ғарб мамлакатлари иқтисодчиларининг таърифлашига кўра кредит бўйича тўловларнинг график бўйича 90 кундан ортиқ кечикиши ёки кредит шартномаси шартларининг бузилиши кредитни муаммоли эканлигидан далолат беради (Мирзиёев, 2021). Муаммоли кредитлар банкнинг молиявий соғломлигини пасайтиради. Бу банкнинг капитал захираларига таъсир кўрсатиб, кредит бериш имкониятларини камайтиради. Россия адабиётларида айрим муаллифларнинг таъкидлашича, муаммоли кредит деганда объекти, субъекти ва таъминотига нисбатан банк томонидан шубҳа пайдо бўлган кредит тушунилади (Роуз, 1997).

Маълумки, республикада банк амалиётидаги мавжуд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга кўра муаммоли кредит деганда сифати «қоникарсиз», «шубҳали» ва

«умидсиз» кредитлар сифатида таснифланган кредитлар тушунилади (Fraser et al., 1995).

Платонов ва Зайченколар (2011) тадқиқотлари натижасидан келиб чиқиб муаммоли кредитлар сонининг кўпайиши банк кредит портфели сифатининг ёмонлашувига, қўшимча харажатлар, кам фойда ёки йўқотишларга олиб келиши мумкинлигини ҳамда муаммоли активларни бошқариш ишларини энг самарали воситалардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш лозимлиги билдиришган.

Фикримизча муаммоли кредитлар даражасига таъсир этувчи омиллар кўп ва турлича бўлиб, улар банк тизими, иқтисодий ва ижтимоий муҳит, ва қарздорларнинг молиявий ҳолатларига боғлиқ. Қуйида муаммоли кредитларга таъсир этувчи асосий омилларни келтириб ўтамиз.

1-Иқтисодий вазият: иқтисодий пасайиш, инфляция, валютанинг кутилмаган ўзгаришлари.

2-Банклар ва молиявий муассасалар сиёсати: кредит бериш сиёсати, кредит шартларининг турлари.

3-Қарздорларнинг молиявий аҳволи: қарздорнинг молиявий ҳолати, кўплаб кредитлар ва қарз йиғиндиси.

4-Молиявий саводхонлик ва таълим: молиявий саводхонликнинг пастлиги, тўловни бошқариш стратегиялари.

5-Ҳукумат сиёсати ва иқтисодий дастурлар: ҳукуматнинг қўллаб-қувватлаш чоралари, қонунчилик ва регуляция.

6-Технология ва инновациялар

7- Ижтимоий ва сиёсий омиллар: ижтимоий хавф-хатарлар, сиёсий вазият.

Ушбу омиллар тижорат банклари томнидан ажратилаётган керекитларни муаммоли айланишига таъсир этувчи асосий омиллардир.

Муаммоли кредитларни камайтириш бўйича биринчи навбатда мижознинг характериға, унинг молиявий аҳволиға, бизнес хамкорлари ўртасидаги мавкеиға ҳамда ушбу соҳадаги тажрибасиға эътиборни қаратиш лозим (Зайниддинович, 2024).

Тадқиқот методологияси.

Мақолада ўзбекистон республикаси тижорат банкларидаги муаммоли кредитларни ундиришни таашкил этишнинг бугунги кундаги ҳолати таҳлил қилиниб, банк кредит портфелининг барқарорлиғига таъсир этувчи омиллар аниқланган. Таҳлил жараёнида илмий абстракциялаш, эксперт баҳолаш, индукция ва дедукция, таққослаш, тизимли таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Муаммоли кредитларнинг юзага келиши кредит рискининг таъсири билан боғлиқ бўлади ва, натижада банк қарз олувчининг кредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ қайтара олмаслиги ва банк бундай қарз олувчиларга кредит бериш билан боғлиқ зарарларни келтириб чиқариши мумкинлигидан хавотирда бўлади. Шунинг учун банк амалиётида муаммоли кредитлар кўпинча паст сифатли кредитлар деб юритилади. Муаммоли кредитларнинг бу талқини муаммоларни юзага келиши натижасидаги йўқотишларга қаратилади. Бироқ, ҳар бир муаммоли кредит ҳам йўқотишлар билан якун топмайди. Банкнинг вазифаси эса эҳтимолий йўқотишларнинг олдини олиш, ёки рискларни камайтириш, муаммоли кредитларни ўз вақтида камайтириш учун доимий равишда мониторинглар олиб бориш натижасида. Банклар муаммоли кредитларни камайтиришга эришишларихам мумкин бўлган ижобий кўрсаткичлардур.

1-жадвал.


Ўзбекистон Республикасидаги тижорат банкларининг муаммоли кредитлари (NPL)
тўғрисида 2024 йил 1 январь ҳолатига маълумот (Abduvaliev, 2024) млрд. сўм

№	Банк номи	Кредит портфель	Муаммоли кредитлар (NPL)	Муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши
Жами		471 406	16 621	3,5%
Давлат улуши мавжуд банклар		333 298	13 267	4,0%
1	Ўзмиллийбанк	99 423	3 098	3,1%
2	Ўзсаноатқурилишбанк	57 124	1 283	2,2%
3	Агробанк	54 483	2 071	3,8%
4	Асака банк	39 213	1 731	4,4%
5	Халқ банки	24 549	1 855	7,6%
6	Бизнесни ривожлантириш банки	21 801	1 935	8,9%
7	Микрокредитбанк	14 437	865	6,0%
8	Турон банк	11 894	271	2,3%
9	Алоқа банк	10 294	157	1,5%
10	Пойтахт банк	79	2	2,3%
Бошқа банклар		138 107	3 354	2,4%
11	Ипотека банк	37 264	1 733	4,7%
12	Капитал банк	26 586	375	1,4%
13	Ҳамкор банк	15 854	99	0,6%
14	Ипак йўли банк	11 701	251	2,1%
15	Ориент Финанс банк	8 448	25	0,3%
16	Инвест Финанс банк	6 431	68	1,1%
17	Давр банк	5 004	32	0,6%
18	Траст банк	4 947	101	2,0%
19	Тенге банк	4 208	109	2,6%
20	Тибиси банк	3 730	73	1,9%
21	Азия Альянс банк	3 712	55	1,5%
22	Анор банк	3 169	64	2,0%
23	ЎзКДБ банк	2 651	0,0	0,0%
24	Зираат банк	1 595	36	2,2%
25	Универсал банк	1 162	35	3,0%
26	Гарант банк	922	43	4,7%
27	Мадад инвест банк	292	39	13,2%
28	Октобанк	249	212	85,2%
29	Узум банк	50	0,0	0,0%
30	Янги банк	46	0,0	0,0%
31	Ҳаёт банк	30	0,0	0,0%
32	Апекс банк	29	0,0	0,0%
33	Эрон Содерот банк	22	4	17,6%
34	АВО банк	7	0,0	0,0%
35	Смарт банк	0,3	0,0	0,0%

Жадвални тахлил қиладиган бўлсак, жами Ўзбекистон республикаси банкларида жами 471 406,0 млрд.сўм кредитлар ажратилган бўлиб, шундан 16 621,0 млрд.сўм қисми яъни 3,5 фоизи муаммоли кредитга айланганини кўришимиз мумкин.

Давлат улиши мавжуд банклар таркибида умумий кредит портфелининг муаммоли кредитлар қисми юқори бўлган 3 та банкни кўрадиган бўлсак булар, 1-Бизнесни ривожлантириш банки жами кредит портфели 21 801,0 млрд.сўм бўлса шундан 1 935,0 млрд. сўми муаммоли кредитларни яъни 8,9 фоизни ташкил қилади, 2-Халқ банки жами кредит портфели 24 549,0 млрд.сўм бўлса, шундан 1 855,0 млрд.сўм ёки 7,6 фоизи муаммоли кредитларни ташкил қилади, 3-Микрокредитбанк жами кредит портфели 14 437,0 млрд.сўм бўлса, шундан 865,0 млрд.сўм ёки 6 фоизи муаммоли кредитлар ташкил қилиётганини кўришимиз мумкин. Ушбу тижорат банклардаги муаммоли кредитларнинг асосий қисмини асосан дастурлари орқали ажратилган ижтимоий ва уй-жойларга ажратилган кредитларга тўғри келишини кузатишимиз мумкин бўлади.

Аҳолининг банк кредитлари бўйича қарз юки даражасини ифодаловчи бир қатор кўрсаткичлар мавжуд бўлиб, кредитларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбати, кредитларнинг аҳоли даромадларига нисбати, қарзга хизмат кўрсатиш нисбати каби кўрсаткичлар шулар жумласидандир. Халқаро тажрибага кўра қарзга хизмат кўрсатиш нисбати (debt service ratio – DSR) амалиётда кенг қўлланилиб, жами аҳолининг ёки айнан қарз олувчилар даромадларининг қанча қисми қарзни (асосий қарз ҳамда фоиз тўлови) сўндириш учун сарфланишини ифода этади. Ўз навбатида, қарзга хизмат кўрсатиш нисбатини ҳисоблашда кредитлар бўйича фоиз ставкалар ва муддатларининг инобатга олиниши қарз юки даражасини бошқа кўрсаткичларга нисбатан аниқроқ кўрсата олади (Зайниддинович, 2024).



1-расм. Жисмоний шахс кредитлари бўйича қарзга хизмат кўрсатиш нисбати (кредитлар қолдиғи бўйича), %

Ўз навбатида, жисмоний шахсларнинг қарзга хизмат кўрсатиш нисбати айнан кредит олувчилар бўйича таҳлили 2018–2021 йилларда кредитлар қолдиғи бўйича ҳисобланганда 8 фоиз бандга, ажратилган кредитлар бўйича эса 17 фоиз бандга пасайганлигини кўрсатмоқда. Таъкидлаш жоизки, ўтган узоқ даврда ажратилган кредитлар ҳисобига сотиб олинган кредит объектларининг нархи инфляция таъсирида бугунги кундаги бозор нархларига нисбатан сезиларли паст ҳамда кредит олувчиларнинг жорий даромадлари кредит мажбуриятлари бўйича тўловларига нисбатан анча юқори даражада шакланган. Бу эса, жисмоний шахсларнинг жами кредитлари бўйича қарзга хизмат кўрсатиш нисбатининг пастроқ даражада шаклланишига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, кредит турлари бўйича муддатлар, фоизлар ҳамда кредит олувчилар сони орасидаги фарқларнинг катталиги натижасида жисмоний шахсларнинг қарзга хизмат кўрсатиш нисбатида четлашиш юзага келади.

Қарз юки бўйича ҳам қисқача таҳлилларни кўриб чиқадиган бўлсак, Ўзбекистонда республикасида молия тизимига таъсир кўрсата оладиган бир қатор хатарлар мавжудлиги кўрсатди. Жумладан, Ўзбекистонда кредитларнинг ЯИМга нисбати 25 (энг паст чегара) ва 75 (энг юқори чегара) процентил чегаралари доирасида солиштирилган давлатлар кўрсаткичларига нисбатан тезроқ суръатда ошиш ва келажакда ушбу ўсиш даражасининг сақланиб қолиш эҳтимоли мавжуд. Мазкур кўрсаткичнинг ҳавфли ҳудудга ўтиши (75 процентилдан юқори бўлиши) тизимли молиявий заифликларни юзага келтириши мумкин. Шунингдек, ҳар бир кредит олувчига тўғри келадиган шартномалар сони яъни бир мижознинг кредит олиш коэффиценти ўртача 1,2 ни ташкил этаётганлигини ҳисобга олинса, кредит олувчилар сонининг кўпайиб бораётганлиги келгусида ҳам қарз юкининг нисбатан тезроқ ошишини аңглатади. Бундан ташқари, мижознинг кредит олиш коэффиценти бирдан юқорилиги алоҳида кредит олувчилар бўйича қарздорлик юки юқори бўлиши ҳамда хатарли сценарий ҳолатида тизимли хатарларга олиб келиши мумкинлигини аңглатади. Аҳолининг кам таъминланган қатлами улушининг (Ковид-19 пандемия даври инобатга олмаганда) камайиб бориши ва уларнинг юқорироқ даромадга эга бўлган қатламларга ўтиши кредит олишга лаёқатли аҳолининг кўпайишига олиб келади. Бу эса, кредитга бўлган талабнинг ошиши натижасида аҳолининг қарз юки даражасининг кўпайишига таъсир кўрсатиши мумкин.

Хулоса ва таклифлар.

Мақолада тадқиқотларининг мақсад ва вазифаларига мувофиқ Ўзбекистон республикаси тижорат банкларидаги муаммоли кредитларни ундириш ҳамда кредит портфелини сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи қуйидаги ҳаракатларни ўз ичига олиши мумкин:

1. Ўзбекистон республикаси тижорат банкларида биринчи навбатда ажратилаётган кредитларни сифатига алоҳида этибор қаратишимиз лозим бўлади.

2. Тижорат банклари ўз сиёсатларидан келиб чиқиб ажратилган кредитлари таснифини тўлиқ таҳлил қилиб, уларни сифатини сақлаб солиш ва муаммога айланган қисми бўйича алоҳида механизм ишлаб чиқиш.

3. Тижорат банклари томонидан кредит портфелини таҳлил қилиб, ажратилган кредитлар бўйича муаммога айланган кредитлар бўйича алоҳида ишлаш ва уларга кредитларни ўз вақтида қайтариш бўйича уларни саводхонлик ошириш.

4. Кредит портфели салмоғи ва сифатини ушлаб туриш ва янада яхшилаш бўйича ажратиладиган кредитларга қўшимча талаблар оширишимиз лозим;

*** юридик шахсларга ажратилаётган кредитлар учун.**

- гаров таъминотида алоҳида этибор бериш,

- қўшимча сакциялар бериш,

- мижознинг молиявий ҳолатини тўғри ва аниқ таҳлил қилиш.

*** жисмоний шахсларга ажратилаётган кредитлар учун.**

- мижознинг кредит тарихига алоҳида этибор қаратиш,

- кредит олувчи ва кафилларнинг молиявий ҳолатини чуқур таҳлил қилиш,

- кредит олувчиларнинг кредитларни қайтириш бўйича маъсулятини ошириш

бўйича қўшимча санкциялар киритиш.

Хулоса ўрнида шуни такидлашимиз лозимки, қарз олувчиларнинг муаммоли кредитларини бошқариш тизимини ташкил этишга илмий-услубий ёндашув таклиф этилди. Унда муаммоли кредитларни муаммога айланишидан олдин аниқлашга алоҳида этибор қаратилган бўлиб, шакллантирилган барча тавсияларни банк амалиётида қўллаш имконияти мавжуд, бу эса муаммоли кредитларни бошқариш жараёни самарадорлигини оширишга имкон яратади.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Abduvaliev Sh, (2024). Тижорат банкларининг муаммоли кредитлари (NPL) тўғрисида 2024 йил 1 январь ҳолатига маълумот. [online] Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. Available at: <https://cbu.uz/oz/statistics/bankstats/1569331/>

Fraser D., Gup B., Kolari J. (1995), *Commercial banking/ The Management of Risk*. 623p.

Зайниддинович, Л.Ф. (2024). Республикамизда Муаммоли Кредитларни Ундиришнинг Ҳозирги Ҳолати Ва Уни Бартараф Этишнинг Халқаро Амалиёти. *Miasto Przyszłości*, 53, 209–212. Retrieved from <https://miastoprzyszlosci.com.pl/index.php/mp/article/view/4791>

Йўғилиш (2018) Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 22 ноябрь кuni ўтказилган банк тизимини ислоҳ қилиш ва банкларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, ҳудудлар ва тадбиркорликни ривожлантиришда тижорат банклари ролини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йўғилиши.

Лаврушина О.И. (2002)– Управление деятельностью коммерческого банка (банковский менеджмент)/ Под ред. д-ра экон. наук, профМ.: Юристъ, 456-б.

Мирзиёев Ш.М. (2021) Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2021. 464 бет.

Низом (2015) “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги (рўйхат рақами: 2696, 2015 йил 14 июль) Низоми.

Платонова Ю.Ю., Зайченко С.Е. (2011). Инструменты управления портфелем проблемных кредитов в современных условиях. *Финансы и кредит*, (4 (436)), 29.

Роуз П. (1997), *Банковский менеджмент*. Пер. С англ. –М.: Дело, 192 с.

Фармон (2020) 2020 - 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон Фармони.